

МУСТАҚИЛЛИГИМИЗНИ АСРАШ ВА МУСТАҲКАМЛАШ – ҚУТЛУҒ БУРЧИМИЗДИР



Ўзбекистон — келажаги буюк давлат

ЖАЛҚ СЎЗИ

1991 йил 1 январдан чиқа бошлаган




2000 йил 11 август
жума
Сотувда эркин нархда
№ 155 (2452)

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ОЛИЙ МАЖЛИСИ ВА ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ВАЗИРЛАР МАҲКАМАСИНИНГ ГАЗЕТАСИ

ЭНГ УЛУҒ,
ЭНГ АЗИЗ
БАЙРАМИМИЗГА

1991-2000
9

2 кун
ҚОЛДИ!



БОҒЛАР САХОВАТИ

Боғлар ва токзорлар — Ўзбекистон зийнатидир. Уларнинг неъматисиз рўзгоримиз файзу баракасини тасаввур эта олмаймиз.

Бу йил, айниқса, дастурхонимиз янада тўкин бўлиши аниқ. Негаки, юртимиздаги мавжуд боғ ва токзорларда боғбону соҳибкорларнинг фидокорона меҳнати туйфайли ҳар қачонгидан мўл ҳосил етиштирилди. Бунга Тошкент вилояти Юқори Чирчиқ туманидаги «Дўстлик» жамоа хўжалигида бўлган киши яна бир қарра ишонч ҳосил қилади. Хўжалиқда ҳар куни тонналаб мева турли бозорларга юборилапти, ҳатто экспортга чиқарилаётган.

СУРАТЛАРДА: шу хўжалиқнинг ижарачи-боғбони Собир Каримов; олма фарқ пишиди.

Е. БОТИРОВ олган суратлар.



ФАҚАТ БИЗГА ИШОН, ИШОНГИН ВАТАН

Туморлар тилладим сенга Тангридан,
Энди қайту кўрма, қувонгин Ватан.
Юзинг ёруғ чиқди хуралик жангидан,
Фақат бизга ишон, ишонгин Ватан.

Тупроғингда унган гўёлар ҳаққи,
Аждодларим ёққан широклар ҳаққи,
Шу қунарли кутган фироқлар ҳаққи,
Фақат бизга ишон, ишонгин Ватан.

Қоқилдик, йилқилдик ўзи тутгунча,
Қон ютидик, овоздик, сенга етгунча,
Биз сени асраймиз ула-ўлгунча,
Фақат бизга ишон, ишонгин Ватан.

Осмондан тушмади сотқилларинг ҳам,
Овоздик қадрига етмаган одам
Одаммас, эл шойдик, йўқ бунга шубҳам,
Фақат бизга ишон, ишонгин Ватан.

Тарихан қадиммиз, қардошимиз бор,
Боболардан мерос бардошимиз бор,
Юрт юкин кутарган Юртбошимиз бор,
Фақат бизга ишон, ишонгин Ватан.

Ёруғ манзилларга йўл олдинг — шодмиз,
Келажак олодида масъул авлодимиз.
Фарзандимиз, она юртин, сенга нажотимиз,
Фақат бизга ишон, ишонгин Ватан.

Қуноғимга сийсанг қучоқсам қани,
Бахт бўлиб бошигда улоқсам қани,
Бизга ишонсанг бас, асраймиз сани,
Фақат бизга ишон, ишонгин Ватан.

Маҳмуд ТОИРОВ.

ТАРАҚҚУС

• АНДИЖОН

Мустақиллик байрами арафасида андижонликлар халқаро «Габриэл» тармоғига уланган янги компьютер ёрдамида дунёнинг исталган мамлакатигада самолёт маршрутларига чипталар сотиб олиш имконига эга бўлишди. Андижон шаҳрининг Машираб кўчасида очилган янги авиакасса дастлабки кунларда ноқ мижозлар эътиборини қозонди.

О. ШОДМОНАЛИЕВ.

• ЖИЗЗАХ

Жиззах шаҳрида Республика давлат шовшилч тиббиёт илмий марказининг филиали фойдаланишига топширилди. Бу муҳташам марказ учун 454 млн. сўм сарфланди. Шунингдек, марказга бюджет ҳисобидан 58 млн. сўмлик ва муруват ёрдами ҳисобидан 859 минг сўмлик тиббиёт асбоб-ускуналари олинди.

220 ўринга мўлжалланган мажмур марказда диагностика, анестезиология-реаниматология, шовшилч болалар ва катталар жарроҳлиги, травматология ва нейрохирургия, урогинекология, комбустология, шовшилч терапия, неврология, педиатрия ва реабилитация каби бўлимлар мавжуд.

(ЎзА).

• ХОРАЗМ

Юқори сифатли, хуштаъм ва турли хилдаги печеньега эҳтиёж катта. Байрам арафасида бу эҳтиёж янада ортади. «Хонқағуруч» масъулияти чекланган жамияти бунга ҳисобга олиб, Германиянинг «Паул-Бусса» фирмасидан лизинг асосида ана шундай маҳсулот ишлаб чиқариш линиясини сотиб олиб, янги цех ташкил этди. У ҳар сменада 500 килограмм печенье тайёрлаш ва қадоклаш қувватига эга.

СОТИМ АВАЗ.

• СИРДАРЁ

Эндиликда маҳсулот юклаган машиналар божхона ва ДАН масканларида бехуда тўхтаётганини Сирдарё вилояти давлат автомобил назорати бошқармаси жорий этган янги хизмат тури бунга чек қўйди. «Ишонч телефонлари» айрим ноқонуний ҳужжат суриштириш ва текшир-текширларнинг пайини қирқди. Вилоятнинг барча божхона ва ДАН масканларидан «Ишонч телефонлари»га кўнғироқ қилиш имкони яратилгани бозорларда тўкин-сочинликни таъминлашга хизмат қилмоқда. Демак, шаҳарликларнинг байрам дастурхонидан ноз-неъматлар мўл бўлади.

Ж. МУРОДОВ.

ҲУКУМАТЛАРАРО КОМИССИЯ МАЖЛИСИ

Мамлакатимизга Латвия Республикаси алоқа вазири А.Горбунов бошчилигидаги делегация ташриф бурди. Ўзбекистон Республикаси Ташқи иқтисодий алоқалар вазириликда савдо-иқтисодий ҳамда илмий-техникавий ҳамкорлик бўйича Ўзбекистон-Латвия ҳукуматлараро комиссиясининг навбатдаги, иккинчи мажлиси бўлиб ўтди.

Тадбирда ташқи иқтисодий алоқалар вазири Э.Ғаниев «Ўзбекистонда иқтисодий-иқтисодий ривожланиш ҳамда Ўзбекистон билан Латвия ўртасидаги савдо-иқтисодий ҳамкорлигининг истиқболлари» мавзусида маъруза қилди. Шундан сўнг, делегация раҳбари А.Горбуновнинг Латвиядаги иқтисодий-иқтисодий вазият, Ўзбекистон билан ҳамкорлик алоқалари тўғрисидаги маърузаси тинланди.

Ҳукуматлараро комиссиянинг биринчи мажлиси 1998 йилнинг ёзида Латвияда бўлиб ўтган эди. Бу галги мажлисда ўтган икки йил мобайнида ўзаро шериклик муносабатлари қай даражада ривожлангани таҳлил этилди. Қатнашчилар кичик ва ўрта бизнес, молия ва банк тизимлари, транспорт алоқаси бўйича ҳамкорлик истиқболларига оид масалаларни муҳокама қилди. Бу борадаги ҳамкорлик алоқаларини янада ривожлантириш зарурлиги эътибор қаратилди.

(ЎзА).

Абитуриент — 2000

НАТИЖАЛАР ЭЪЛОН ҚИЛИНДИ

Кеча республика таълим муассасаларига талабалар қабул қилиш бўйича Давлат комиссияси 2000-2001 ўқув йили учун ўтказилган тест синаовлари натижаларини эълон қилди. Хабар берилишича, ушбу комиссия талабаларга тавсия этилганлар рўйхатини шу йилнинг 18-20 август кунлари маълум қилади. Табиийки, бу йил тест натижаларининг барвақт эълон қилиниши ўзига хос воқеа бўлди. Ҳақиқатан ҳам, тест синаовлари авваллари ўтказилган анъанавий кириш имтиҳонларига нисбатан энг ишонарли ва ҳаққоний эканлигини кўрсатди. Бунга ушбу жараённинг бевосита иштирокчилари бўлган абитуриентлар ҳам тасдиқлашади.



Алишер ЭҒАШЕВ, Тошкент давлат шарқшунослик институти абитуриенти:

— Рости, ҳаётимда унутилмас воқеа юз берди. Синаовдо дўстим Артур Ариқянц билан бирга ҳужжатларимизни халқаро иқтисодий муносабатлар факультетига топширган эдик. Бахтни қарангки, Артур 209, мен эса 208 балл олдим. Талабаларга қабул қилинганлигимизга шубҳамиз йўқ. Демак, яхшилаб ўқиб изланганимиз, унинг натижаси ҳам самарали бўлиши аниқ экан.

Қамолдин ЗИЕВ, Тошкент давлат автомобил йўллари институти абитуриенти:

— Очиги, мен тестнинг адолат мезонига айланганига унчалик ишонмагандим. Аммо ўтган йили бир мактабда ўқиб юрган кўплай дўстларим талаба бўлишга, катта ишонч пай-

до бўлди. Ҳўқсам, тайёрланган талаба бўларканман, деган хулосага келдим. Мана, қилган меҳнатим натижаси ёмон бўлмади. 156,20 балл олдимман.

Вали ХОЛМАТОВ, Жиззах вилоятининг Галлаорол туманидан:

— Синглим Лайло ўтган йили ҳам юридик институтига ҳужжат топширганди. Лекин талаба бўлиш насиб этмади. У бу йил тинчсиз изланди. Тест синаовларига пухта ҳозирлик қўрди. Изланишда, тилишқоқликда гап қўл экан. Синглим ўз билими билан тест синаовларида 169,40 балл тўплади. Демак, мамлакатимизда билими, иқтидори бор ёшларга йўл кенг очил.

Ўз муҳбирларимиз.
Т. КРОВЧЕНКО олган сурат.

Огоҳликка даъват

ОНА ТУПРОҚ — МУҚАДДАС!

Азиза ҚАЛАНДАРОВА, иккинчи жаҳон уруши ногирони:

— Уруш даҳшатларини обдон бошдан кечирганман. Жанггоҳларда уруш тугаб, тинч-осойишта кунлар бошланишини орзиқ кутардик. Уруш барҳам топди деб эшитганимда қувончимдан юм-юм йилгаганман.

Бугунги тинч ҳаётимизни бузишга уринаётганлар на ҳаётнинг, на тинчликнинг қадрини билмаган, инсонликдан чиққан бадин кимсалар, деб биламан. Бундай қора кучларнинг даф этишга Ўзбекистонимизнинг қудрати етади.

Яна шунинг айтмоқчиман: одамларнинг тинчининг бузган, қон тўққан ёвузлар халқнинг қаршига учрайди, бу дунёда ҳам, у дунёда ҳам жазодан қочиб қутула олмайди.

Ҳилола НОСИРОВА, жаҳон тиллари университети талабаси:

— Мустақилликнинг ноёб неъмат эканлигини, унинг қадр-қимматини биз

тўққиз йил ичида чуқур англаб етдик. Юртимиздаги барқарорлик, оқойишталик, аҳиллик ва ҳамжиҳатлик кундан-кунга мустаҳкамланиб бораётган.

Ўзбекистонимизнинг тинчлигини, юксалишини кўра олмайётган ёвуз кучлар яна хуруж қилганини эшитиб, энди қараб турмаслик керак, деган фикрга келдим. Хар бир одам бузғунчи кучларга қарши курашиши керак. Чунки ҳаётнинг иши — захар солиш, бузғунчининг иши — тинчликни, ҳаётни бузиш. Шундай газандаларга шафқат қилиш мумкинми?

16 феврал воқеалари ҳеч қачон ёдимиздан чиқмайди. Биз ундан сабоқ чиқарганмиз. Шунинг учун бугунги осойишта ҳаётимизни ҳимоялашда ўзимизнинг улуғлигимизни қўйишни истаймиз. Аслида, бу — ўз орау-хавасларимизни, эмин-эркин яшашимизни ҳимоялаш демакдир. Бу хайрли ишдан ҳеч ким четда турмайди.

«Халқ сўзи» муҳбири Гўлҷехра Йўлдошева ёзиб олди.

Бир-биримизни кўрганда, аввало шу саволни берамиз: «Тинчликми?». Яқин кишининг юз-кўзларидан безовталиқ, ташвиш аломатларини кўрсак, шу гапни айтмаймиз. Бемаҳалда эшик тақилласа, кўнглимизга шу фикр келади. Юрагимиз хапқириб сўраб эканмиз, ич-ичимиздан «Ҳа, тинчлик», деган жавобни эшитгимиз келади. Сўнг «Худога шукр», деб қўямиз.

Дастурхон атрофидаги дуода, уйкуга ётиш олдидаги илтиҳодо Яратгандан тинчлик сўраймиз. Ҳаётда учраб турадиган муаммолар, ўткинчи қийинчиликлар ҳақида сўз кетганда ҳам сўбатимиз шундай яқин топади: «Майли, тинчлик бўлсин, бош омон бўлса, дўппи топилар». Содда, хар қуни эшитиб юрган бу сўзларда қанчалар катта маъно бор.

Ўзи асли инсонга нима керак бу дунёда? Бир бурда нонга қорин тўяди. Худога шукр, эгни-бошимиз бут. Орау-хавасларимиз ҳам бирин-кетин рўёбга чиқаяпти. Бунинг учун, аввало, тинчлик керак. Тонгда иш жойимизга ошиқиб боришимиз учун, кечда наҳадонимизга интилишимиз учун,

ТИНЧЛИКМИ?

Бу саволга қандай жавоб бериш ўзимизга боғлиқ

қаторда хато бўлмаслиги учун, гуллар барқ уриб ашнаши учун, байрам-тантаналарда шодликка тўлишимиз учун — ҳамма-ҳаммасига тинчлик керак.

Маълум ҳақиқатларни айтаятисиз-ку, дейишингиз мумкин. Лекин у ҳолда ким шу ҳаётга нотинчлик хавфини соляпти? Инсон, жамияти безовталиқ сабабчиси, терроризм деб аталган офатнинг муаллифи одам болса. Мана, бир неча кундирик, ойнаи жаҳон орқали Москвадек шаҳри азимнинг Пушкин майдонидида фожа оқсатларини қараб бўлиб, афсус билан кузатаятисиз. Даҳшатли манзаралар баданларимизни жимирлатиб юбормоқда. Ким портловчи моддани кашф этди? Инсон. Ким ўша бало-қазони одамлар гавжум жойга қўйиб қочиб қолди? Инсон. Бу қандай мантисизликки, бошқа жойларда яна портловчи модда қўйилган-қўйилмаганлигини аниқлаш вазирагани... итлар бажарса. Тарққибёт юксалиққа кўта-

рилганда шунчалар паст кетдикми?!

Терроризмга соғлом кўнчалар зарба беради. Истиқлол тараф бўлганлар, Ватан туйғусини дилдан туйганлар соғлом куч ҳисобланади. Шундай экан, бепарво бўлишга ҳаққимиз йўқ. Россия давлатининг раҳбари «Терроризмга қарши курашнинг хозирча ягона давоси — жавоб чорасидир» деди. Инкор этмаймиз. Лекин ундан ҳам олдинги даво — бу хушёрликни ошириш, ён-атрофимиздаги жараёнлардан огоҳ бўлишдир. Юртбошимиз «Бу тинчлик учун курашиш керак, бу тинчлик учун, айтилик, зарур бўлса, жон бериш керак» деганларида Ўзбекистондаги барқарорлик ўз-ўзидан бўлмаётганини англаймиз. Ҳа, ўзимизга ўзимиз пухта бўлсак, осойишта турмушга қафолот яратамиз. Ана шунда юқоридида саволга «Худога шукр, тинчлик!» деб жавоб қиламиз.

Шухрат ЖАБОРОВ.

ТЕРРОРЧИЛАРНИНГ АСОСИЙ ГУРУҲИ ЕР ТИШЛАДИ

(Репортаж)

САРИОСИЁ (ЎзА) махсус муҳбирлари Мусулмон НАМОЗОВ ва Чўри Тўхтаев хабар қилди. Вертолётимиз денгиз сатҳидан 4 минг метр баландликда, сарқаш Тўпо-ляндарё ярмоқлари бошларидан азим чўққиларни надиған бўлиб ўчди. Тик ёнбарлар ёнлаб ўчди. Тик ёнбарлар ёнлаб ўчди. Тик ёнбарлар ёнлаб ўчди. Тик ёнбарлар ёнлаб ўчди.

миз жойлашган, дейди. Йигитларимиз одам ўтиши мумкин бўлган барча суқоқларни кечаю кундуз назорат қилиб турибди.

Хамроҳимиз — Ўзбекистон Ички ишлар вазирлиги жиноят қидирув бош бошқармаси бўлим бошлиғи, милиция подполковниги Жўрабек Раҳматов қўшимча қилади: «Кўраясизми, террорчиларнинг барча ўтиш йўллари тўсиб қўйилган. Ҳатто уяётган қуш ҳам аскарларимиз назоратидида, дейди ишонч билан. — Террорчилар икки дунёда ҳам воҳага ўтолмайди».

«Аскарларнинг озиқ-овқати,

Вертолётдан озиқ-овқат, папалар, кийим-кечак туширилади. Биз билан бирга келган уч врач дори-дармон солинган қути ва қопларни олиб тушади. Улар энди шу ерда қолиб, тоғлиқларнинг соғлиғига қўз-қулоқ бўлиб туришади.

— Қандай камчиликлар, қийинчиликлар бор? — деб сўраймиз одамлардан. — Камчилик ҳам, қийинчилик ҳам йўқ, — дейишади улар. — Фақат террорчилар тезроқ йўқ қилинса бўлган.

Вертолётимиз яна ҳавога кўтарилади. ШТА сари йўл олаемиз. Биз Ташкентдан қайтганимизча босқинчилар яшириниб ётган дарадаги вазият анча ўзгарибди.

(ЎзА).

Азиз муштарий! Сизга хуш кайфият тилаган ҳолда газетамиз учун обуна давом этаётганлигини маълум қиламиз.

ЖОЗЕФ ПРЕСЕЛ:

ЎЗБЕКИСТОН — МАРКАЗИЙ ОСИЁДАГИ САЛОҲИЯТИ ЭНГ ЮКСАК МАМЛАКАТ



Сиёсатчилар ҳар доим жамоатчилик диққат-марказида бўлиб келган. Уларнинг фаолиятига ҳам, шахсий ҳаётига ҳам одамлар алоҳида қизиқиш билан қараб келган. Шу боис сиёсий арбоблар жамиятнинг энг сирли вакиллари тоифасига айланган. Уларнинг меҳнат фаолияти кўпчилик кўз ўнгига эса-да, кизиқишлари, оиласи, дўстлари тўғрисида маълумот олиш унчалик осон эмас.

Америка Қўшма Штатларининг Ўзбекистон Республикасидаги Фавқулодда ва мухтор элчиси Жозеф Пресел билан суҳбатимиз худди мана шу мавзуда бўлди.

— Узимни сиёсатчи дея олмайман, — дейди Ж.Пресел. — АҚШ ҳукумати ўзбекистондаги бир вакилиман, холос. Одмироқ қилиб айтганим бўлса, бор-йўғи америкалик оддий бир дипломатман. Сирлилик тўғрисидаги гапларга келсак, тўғри, дунёдаги барча инсонлар бир-бирининг шахсий ҳаёти билан қизиқади. Ўзбекистонликлар ҳам бундан мустасно эмас. Лекин оддий элчининг шахсий ҳаётидан нима қизиқарса топшиш мумкин, хайр-ман. Оилам икки кишидан иборат — узим ва турмуш ўртоғим. Фарзандимиз йўқ. Бу ўзбекларга галатроқ туюлиши мумкин, албатта. Асли қасбим тўғрисида шун айтишим мумкинки, бошқа ҳаммасларим сингари иқтисодчи эки ҳуқуқшунос эмасман. АҚШнинг Харвард ҳамда Буюк Британиянинг Оксфорд университетларида сиёсатшунослик йўналиши бўйича тахсил олганман, сиёсат соҳасида хизмат қиламан. Туркия, Швейцария, Австрия, Франция, Югославия ва собиқ шўролар иттифоқидаги элчиликларимизда турли лавозимларда хизмат қилганман. 1997 йилдан буён эса мамлакатимизда АҚШнинг элчиси сифатида фаолият кўрсатмоқдам.

— Жаноб Пресел, Ўзбекистонга элчи бўлиб келишдан аввал юртимиз тўғрисида нималарни билардингиз? — Ўзбекиларнинг турмуш тарзи, бу ерда истиқомат қилувчи одамларнинг дунёқарashi ва тафаккури тўғрисида биров маълумотга эга эдим. Чунки бир вақтлар, аникрофи, 1975-1977 йиллари шўролар иттифоқида, АҚШнинг Москвадаги элчихонасида хизмат қилганман. Худди ана шу даврда бир неча бор Ўзбекистонга, Тошкентга келганман, бу мамлакатнинг иқтисодий-сиёсий аҳолисини, журғофиясини ўрганганман, ўзбекларнинг ҳаёти, дунёқарashi билан танишганман.

— Унда ўзбеклар билан америкаликларнинг ҳаётидаги тафовут ва ўхшашликлар тўғрисида ҳам жуда яхши тасаввурга эга бўлсангиз керак?

— Биласизми, икки халқ, айниқса, ўзбеклар ва америкаликлар ўртасидаги ўхшашлик ҳамда тафовут тўғрисида гапирганда, уларнинг тарихий ривожланишини муҳим эътиборга олинади. Ўзбекистоннинг минг-минг йилларга бориб тақалуви тарихига, ўзигагина хос хусусият ва тафаккурга эга. Сизларнинг жамиятининг бир неча минг йиллардан буён шаклланиб, ривожланиб келмоқда. Шуниси тахминга лойиқки, орадан шунча вақт ўтиб кетган бўлса ҳам, жамиятининг эволюцияси олинган аҳамият тали-хануси жуда катта. АҚШ эса, ўзининг маълум асрда, аслида муҳожирлар юрти. Бизнинг жамиятимиз сизларники билан солиштирилганда хали жуда ёш. Устига-устак, америкаликлар ҳаётида олинган ўрни ҳам ўзбекларникидек муҳим эмас ва бу Фарб, хусусан, АҚШ халқининг камчиликларидан берибдир.

— Жаноб элчи, мамлакатимиздаги фаолиятингиз давомида ўзингиз учун қандай янгиликларни кўришди ва ўтган йил давомида ўй берган қандай воқеалар ёдингизда умрбод сақлаиб қолди, деб ўйлайсиз?

— Элчи бўлишимиз бир яхши томони бор. Қаёққа борсангиз, янги одамлар, янги халқ, янги маданият, янги ҳамкорлар, янги дўстлар, умуман сиз учун оқилмаган дунёга рўбарў келиш. Шу билан бирга, келажакдаги ҳаётингизда ва фаолиятингизда, жуда бўлмаса, нафақатга чиққаннингиздан эҳтиётчи бўлиш мумкин бўлган улкан тажриба тўланади. Ўзбекистон ҳам мен учун бундан истисно эмас. Айниқса, халқининг тарихи, урф-одатлари, ахлоқ-одоб, ҳар бир халқ, ҳар бир жамият ҳавас қилса аризулик.

— Сизга Ўзбекистонда яна бир муҳим вазифа берилди, деб ўйлайсизми?

— Элчилар орасида бир мамлакатда ишлаб келишнинг, иккинчи марта у ёққа қадам босишдан ўзингиз тий, деган ўзига хос бир ирим бор. Лекин менга қолса, юртингизга қайтиб, ўзбекистонлик дўстларим билан дийдор қилишимиз ва улар билан бир ҳаводан нафас олиб, ҳамкорликда мамлакатларимиз ўртасидаги алоқаларнинг янада ривожланиши йўлида хизмат қилишга жон, деб рози бўлардим.

Бобур СОБИРОВ суҳбатлашди. (ЎЗА)

қовунигиз неча пул деб сўрасам, қўзимга тикилиб туриб: "Сиз Американинг элчиси бўласиз-а, мен эизини телевизорда кўрганман", деб қолди. Унинг сўзларини тасдиқлаб, энди пул узатай, дедим, "йўқ, пулингиз керакмас, бизда меҳмондан пул оладиган одат йўқ", деди. Ҳарчанд уринмай, гапидан туриб олди...

— Жаноб элчи, ўтган йиллар давомида Ўзбекистон билан АҚШ ўртасидаги муносабатларда эришилган энг катта ютуқ ва камчиликлар тўғрисида нималар дея оласиз?

— Аввало, шун айтиб ўтишим хохлардимки, Ўзбекистон-АҚШ алоқалари ҳақида фақат тенг ҳуқуқлилик, шериклик таъминлари асосини қилиб келган ва келажакда ҳам шундай бўлиб қолиши мумкин. Тўғри, биз баъзан Ўзбекистон ҳукумати айрим масалаларда биров сусткашлик қилаётганини айтмай, лекин бу Ўзбекистоннинг минтақадаги маъриф, иқтисодий-сиёсий салоҳиятидан келиб чиққан ҳолда дўстона айтиладиган гаплар, холос. Марказий Осий минтақасида салоҳияти Ўзбекистонникига тенг келадиган давлат йўқ.

— Бевосита алоқаларингизга келсак, ўтган ўтказилган йил мобайнида икки ўртадаги муносабатлар жуда яхши ривожланди, деб айтиш мумкин. Бунга қўшимча қилишимиз керакми?

— Ўзбекистондаги ҳаётимиз жуда кўп воқеалар хотирамда муҳридан қолади, десам аниқлашмайман. Аввало, Президентингиз Ислом Каримов билан бўлган илк учрашувимиз, яъни унга ишонч ёрлиги топширганганимиз ортиқчи билан эслаб ораман. Ўзбекистонга АҚШ давлат котиби Мадлен Олбрайт айнаган мен элчилик қилиб турган пайтда келгани ҳам ҳаётимиздаги унутулмас воқеа бўлиб қолади.

— Сизга Ўзбекистонда яна бир муҳим вазифа берилди, деб ўйлайсизми?

— Элчилар орасида бир мамлакатда ишлаб келишнинг, иккинчи марта у ёққа қадам босишдан ўзингиз тий, деган ўзига хос бир ирим бор. Лекин менга қолса, юртингизга қайтиб, ўзбекистонлик дўстларим билан дийдор қилишимиз ва улар билан бир ҳаводан нафас олиб, ҳамкорликда мамлакатларимиз ўртасидаги алоқаларнинг янада ривожланиши йўлида хизмат қилишга жон, деб рози бўлардим.

Бобур СОБИРОВ суҳбатлашди. (ЎЗА)

Бу гап тан беришганда ҳам — узатувчи техник воситалар ва қудратли радиотўлқинлар қўмағида эмас, балки бевосита, юзма-юз туриб гаплашиш, радиоалоқа масалаларига бағишланган Умумжаҳон конференциясидаги вакилларимиз нутқларини тинглаш орқали Ўзбекистонга тан беришди. Истамбулда роса бир ой давомида ана шу Ассамблея ва радиоалоқа бўйича умумжаҳон конференцияси бўлиб ўтди. У Халқроқ Электра-

РАДИОАЛОҚА БЎЙИЧА ХАЛҚРОҚ АССАМБЛЕЯ: ИЗГА ТАН БЕРИШДИ

риб юборди. Чунки бир вақтинг ўзида даярли барча қўмиталар ва гуруҳларда мамлакатимиз вакиллари учун бирдай зарур бўлган масалалар муҳокама қилинди, бизнинг вакилларимиз эса камчил эди. Бошқа делегациялар билан келишиб, бунинг йўлини топишди.

Радиоалоқа спектридан самарали фойдаланиш воситаси сифатида Халқроқ Электралоқа Иттифоқининг радиоалоқалар сектори тавсияси билан фойдаланилади. Тавсияларни тасдиқлашда барча делегациялар катнашди ва бу тавсиялар шу тариқа, халқроқ андозалар макomini олди.

Шу боисдан, ушбу дастур бўйича олиб борилган ишларда фаол катнашиш талаб қилинарди. Шундай бўлди ҳам. Делегациямиз аъзолари Радиоалоқалар Бюроси ҳисоботининг муҳокамасида, тадқиқотлар комиссиясида, амалдаги тадқиқотлар дастурини қайта кўриб чиқишда, радиоалоқа жабҳасидаги ишларни ташкил этиш тартибининг белгиланишига тавсиянома ва резолюцияни қабул қилишда фаоллик кўрсатдилар.

Маълумки, қўпгина янги радиотизимларнинг тақдир радиоалоқалар спектри (РЧС) доирасида ўзи учун етарли частоталар мавжудлигига боғлиқ. Бирок ундан самарали фойдаланишни технологиянинг номукамаллиги ва РЧСга киришининг мураккаблиги қийинлаштириб келяпти. Табиий ресурс — РЧС — чекланган имкониятларга эга ва улардан бутун дунёдаги ҳар хил хизматлар томонидан унумли фойдаланиш учун ўзаро келишилган ва мукамал даражада ишлаб чиқилган методика,

легиацияси бундай хусусиятларнинг ҳужжатларда ўз ифодасини топишига эришти.

Муайян диапазонлар доирасида частоталардан биргаликда фойдаланишнинг самарадорлигини ошириш масаласи жиддий муаммолардан биридир. Бизнинг делегациямиз бу масаланинг ечимини топишда ҳам алоҳида куч-ғайрат кўрсатди.

Истамбул анжуманида кун тартибига қўйилган ва ижобий ҳал қилинган масалалар рўйхати анча кенг ва

уларнинг ҳаммаси муҳим. Барчаси табиий ресурс — радиоалоқалардан амалда унумли фойдаланиш мақсади ва манфаатларига бевосита дахлдор. Радиоалоқалар бўйича Умумжаҳон анжумани қабул қилган қарорлар тўғрисида, жумладан, Ўзбекистонликлар учун ҳам миллий бойлик ҳисобланади. Чунки уларнинг дунёга келиши вакиллари севилари хизматлар қилдилар. Ушбу қарорлар мамлакатимизда амалга оширилаётган ислохотлар ва ўзгаришларга ижобий таъсир кўрсатади, улар радиоалоқалар, радио-тўлқинлар каби кўзга кўринмас бойликларга оқилона, маданий муносабатда бўлишига ҳар биримизни даъват этади.

Делегациямизнинг анжумандаги хизмати фақат шулар билан чекланмади: муҳокамага қўйилган барча масалаларда унинг аъзолари етуқ малакали мутахассислар сифатида бошқа мамлакатларнинг вакиллари эътиборини ўзларига қарата олдлар. Жумладан, радиоалоқаларга руҳсатсиз аралашув ва радио-тўсиқ яратиш, жумладан, денгиз ва ҳаво қўма хизматлари диапозонларига ўзбошимчалик билан аралашувдан уларни муҳофаза қилиш, табиий офат ва хавфсизлик мақсадларидан фойдаланишнинг техник талаблари тўғрисидаги қарорларнинг қабул қилинишида мутахассисларимизнинг хиссаси салмоқли бўлди. Масалан, ер йўлдоши радионавигациясининг глобал системасини олиб қўрайлик, бу система инсон ҳаёти хавфсизлигини таъминлаш хизмати бажариши ва унинг

Оқир-оқибатда, Ўзбекистоннинг сон жиҳатдан кичик делегацияси (ҳолбуки, Истамбул анжуманида АҚШдан — 120, Япониядан — 72, Франциядан — 62, Канададан — 41, Англиядан — 40, Россиядан — 40, Германиядан — 27 вакил катнашди) анжуманда муҳокама қилинган барча масалалар бўйича Ўзбекистон манфаатини ҳар тарафлама ҳимоя қила олди, қабул қилинган қарорлар мамлакатимизнинг радиоалоқадий мураккаб ва муҳим соҳада ҳамкорлик қилиш борасида тўтган йўлга тўла мос келди.

Радиоалоқа бўйича Умумжаҳон конференцияси ва Ассамблеяси ишда делегациямиз иштироки ва унинг олиб борган фаолияти Ўзбекистон Почта ва телекоммуникациялар агентлиги ҳайъат мажлисида муҳокама қилиниб, юксак баҳоланди.

Қабул қилинган қарорларни амалга оширишда ҳам ҳеч қандай иккиланма ҳолатларга ўрин йўқ — республикада барча зарур хизмат турлари самарали ишлаб турибди, малакали мутахассислар ҳам етарли. Шу сабабли радиотизимнинг ва радиоалоқа жабҳасидаги иштироки амалий ишларни юзага чиқариш учун барча шарт-шароитлар муҳайё.

А. КУДИНОВ.

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ТАШҚИ ИҚТИСОДИЙ ФАОЛИЯТ МИЛЛИЙ БАНКИ

«СОҒЛОМ АВЛОД ЙИЛИ» ДЕБ ЭЪЛОН ҚИЛИНГАН 2000 ЙИЛДА «Янги авлод» қисқа муддатли омонатини тақлиф этади

Йилга 36% даромад келтирадиган омонатга маблағлар шу йил 20 декабрдан қабул қилинади (даромадлар ҳар ойда тўлаб берилади). Бир ой учун ҳисоблаб ёзилган фойзалар олинмаган тақдирда, улар қўйилганига қўшилиб боради ва капиталлаштирилади.

Table with 2 columns: Омонат ва шартнома шартлари, Ҳисобдорнинг фойзлари. Includes details about 'Сўм карточкаси' and 'Таътил' омонатлари.

2000 йил 1 августдан бошлаб муддатли омонатларнинг барча турлари бўйича йилига асосий фойзаларга қўшимча равишда 4,3% даромад ҳисоблаб ёзилади. Ташқи иқтисодий фаолият миллий банки — сармоянгиз даромадчилиги ва сақланишига кафолатдир.

Advertisement for 'Халқ сўзи' newspaper. Includes text: 'Ўзбекистон Республикаси Муштақиланининг тўққизинчи муносабати билан "Халқ сўзи" ва "Народное слово" газеталари таҳририятлари қорхона, ташкилот, коллания, қўшма қорхоналардан байрам табрикларини чоп этиш учун тақлифларни қабул қилади.'

Advertisement for NBU bank. Includes text: 'Қўшимча маълумотларни қўйидаги телефонлар орқали: (998 71) 137-62-83, 137-62-80 ёки Ўзбекистон Республикаси Ташқи иқтисодий фаолият миллий банкининг исталган бўлим ва филиалдан олишингиз мумкин.'

Advertisement for 'ЎЗЭЛЕКТРАБЕЛСАВДО' OJSC. Includes text: '2000 йилнинг биринчи ярим йиллиги учун дивиденд миқдори 90 сўм 15 тийинни ташкил қилишини маълум қилади. 2000 йилнинг 28 июлидаги ҚУЗАТҮВ КЕНГАШИНИНГ БАЁННОМАСИ'

ЁРУФ ОВОЗ



Нутқа шеваинг таъсири ва бу борада мувофиқ кўникмаю билимнинг йўқлиги панд беради. Унинг омадсизлик ва қийинчиликлардан чўчимай пойтахтда қолиши, орсусига эришиш учун интилиши кишига ғайритабиий туюлиши мумкин.

— Дунёда яхши, олижаноб кишилар кўп. Агар шундайлар бўлмаганида мен бу даражага эришолмасдим, — дейди у биз билан суҳбатда. — Аввалига, радиога оддий оператор бўлиб ишга киришимда режиссёр Немаат Дўстхўжаев жўрдан ёрдам берди. Эсимда, ўша йили ойина жаҳонда газал ўқиш борасида илк қадам кўйдим. Режиссёр Нишон Ғайбуллоев кўмағида шоир Восит Саъдуллиннинг газалларини ўқидим. Бу менинг биринчи муваффақиятим эди. Шундан сўнг Санъат институтига бориб, Муҳаммад-жон Исмоновдан нутқ санъати сирларини ўргана бошладим.

1983 йили Ўзбекистон радиосида эълон қилинган суҳбонлар танловида унга омад кулиб боқди. Овози, ўқиган газал-рубоиylари қалблардан жой ола билди. Изланишдан чарчамди: ахир газал ўқиш учун алоҳида ихлос, оҳанг керак. Бу борада

раҳматли Қодир Махсумов, Тўйғуной Юнусхўжаева каби машҳур суҳбонлардан кўп нарсалар ўрганди. Шўҳ Мирзо Бобур ҳаёти ва ижодига бағишланган «Аҳли жаҳондин яхшилик» кўрсатуви ҳам ана шундай изланишлар самараси сифатида дунёга келди.

1990 йили телевидениеда намоиш қилинган атоқли ўзбек шоираси Нодирабегим ҳаёти ва ижодига бағишланган «Тўшимда кўрсам эди» видеофильмида Халима опа бош сиймо — Нодирабегимни ижро этди. Унинг ижросидаги Нодирабегим, аввало, нозик қалбли хассос шоира, юксак дидли малика, аҳдига вафодор ёр. Томошабин беихтиёр шоиранинг кўзла шезъияти таъсирини ғўзлади.

Асл ижодкор оруз қилишдан чарчамаслиги, кўзлаган мақсадига эришгач, бир жойда тўхтаб қолмаслиги, олдида янги умидлар пайдо бўлиши табиий. Чунки ижод қилган сайин киши қаршида янги довлонлар пайдо бўлаверади.

Бундан икки йил аввал телевидениеда «Барҳаёт наволар» рукини остида дилбар кўшиқчи, Ўзбекистон халқ артисти марҳума Ҳабиба Охунова ижодига бағишланган кўрсатув берилди. Матбуотда

ижобий фикрлар айтилган, жамоатчилик эътиборини тортган мазкур кўрсатуви Халима опа тайёрлаганди.

— Мен илгаридан Ҳабиба Охунова ҳақида кўрсатув тайёрлашни оруз қилиб юрдим, — дейди у суҳбатимиз орасида. — Аммо анча кеч қолдим, хонанда оғир касаллик туфайли оламдан бевақт кўз юмди. Бу нарса кўрсатуви тайёрлашимни тўхтата олмади. Қийинчиликларни зиммамга олиб, ишга киришдим.

Едимда, ўшанда матбуотда бу ишни «лахтаклари ямаб-ясқаб, гилам тўқишга» қўёс қилишган эди. Кўрсатувни тайёрларканман, кўнглимда Ҳабиба опанинг ҳаёти ва ижоди ҳақида китоб ёзсам, деган оруз пайдо бўлди.

Халима опа келгусидаги орузлари ҳақида жўшиб сўзлайди.

— Худо хоҳласа, машҳур шоирларимиз Бобораҳим Машраб, Увайсий, Зебуннисо ҳаёти ва ижоди ҳақида кўрсатувлар тайёрлаш ниятим бор.

Ҳа, Халима Юсуповага орузлар қанотида янги парвозлар тилаймиз.

Маъсума АҲМЕДОВА.

«МУШТУМ» НИНГ ЯНГИ СОНИ

Учинчи синфда ўқиётган болакайнинг партидани араб имлосида битилган бир парча қоғоз қоғоз. Бунга тасодифан муаллима кўриб қолади. Шу тариқа, ўша боланинг оила аъзолари катта доирада муҳокама қилинади.

Бу гапларни ҳозирги ёшларимизга гапириб берсангиз, ишонмасликлари мумкин. Лекин «Муштум»нинг кунга кеча босмадан чиққан 6-7 сонидига «Кечиккан тавба» хикоясини ўқисангиз, муаллифнинг жонли лавҳалари орқали тоталитар тузум тартиботлари кўз олдингизда гавдаланади. Ҳўш, мамлакатимизда чоп этилаётган ягона

жаҳв ва кулги журнали — «Муштум» бу хикояни чоп этиш орқали нима демокчи? Бизнингча, энг аввало, инсон эркини тўла таъминлаган, азалий қадриятларимизни элимизга қайтариб берган мустақиллик қадрига етайлик, деган давлат бор бу ўринда.

Ушбу журнални вақтасангиз, асло зерикмайсиз. Азамат Ҳайдаровнинг «Емонларга инсоф берсин» деб аталган лўнда қайдларни фалсафий мушоҳадага чорласа, «Қорақалпоқ кулгуси» сарлавҳаси остида бир йўла уч ижодкорнинг қаҳқаҳасига кўшиласиз.

Журналнинг сўнгги сониде энг кўп учрайдиган

жанр — латифа. Турфа хандаларни ўқиб юзингизда табассум пайдо бўлса, «Оила кулгу дастурхони» билан танишганда роса мириқиб куласиз. «Янги руслар ҳаётидан» рукини остида тadbirkorлар мутойибаси, «Чизикдан ўтмаган номар» сарлавҳаси остида ичак узди хангомалар, «Даданга ўхшаган маймун йўқ» деган хандаларда болалар кулгусидан баҳраманд бўласиз. Сахифалардаги ҳажвий расмлар, турли шеърлар кўнглингизни ғўбордан холи этади. Хуллас, мириқиб дам олмоқчи бўлсангиз, «Муштум»нинг сўнгги сонини кидириб толинг.

НУКУСДА ТЕННИС ТУРНИРИ

Қорақалпоғистон Республикаси Ички ишлар вазирилик қортида икки кун давомида махсус соврин учун шаҳар ва туман ҳокимлари, вазирилик ва идораларнинг раҳбарлари ўртасида теннис беллашуви ўтказилди.

Биринчи ўринни «Қорақалпоқнефт» махсуслотлари давлат ҳиссадорлик уюшмаси раиси М. Шанжиев, иккинчи ўринни Қорақалпоғистон Республикаси Вазиrлар Кенгаши раисининг ўринбосари А. Худойбергенов, учинчи ўринни Нукус шаҳар ҳокими Ч. Холмуротов эгаллади.

Я. ҚўЧҚОРОВ,
«Халқ сўзи»
мухбири.

ЮРАГИМИЗДАГИ ЎН ЕТТИ ЮЛДУЗ

Бундан роппа-роса йигирма бир йил олдинги оғир жудодлик ўзбек футбол мухлислари юрағида учмас ва аламли из қолдирган эди. Ушанда футбол оламида катта шов-шувларга сабаб бўлган сеvimли «Пахтакор» жамоасининг ўн етти баҳодир авиҳалоқат туфайли ёруғ дунёдан кўз юмишганди. Очиги, ушбу мухдихи воқеани эслаш оғир. Самога сочилган юлдузларнинг аянчли қисматлари юракларга оғриқ олиб киради. Агар улар ҳаёт бўлишганида ҳозиргача қанчалар шогирдлар тайёрлаб, ўз ортидан эргаштирган бўлишарди... Марҳум «Пахта-

кор»чилар ҳар қанча ёъозу хурматга лойиқ эдилар. Шунинг учун ҳам йигирма бир йилдики, марҳум юлдузларни хотирлаймиз, бундан озгина бўлса-да, кўнглиларимиз таскин толгандай бўлади. Бу йил эса илк бор пахтакорчилар хотирасига бағишланган тadbirkor халқаро мақом олди. Республика футбол федерацияси, М.Ан номидаги футболни ривожлантиришни кўллаб-қувватлаш ва «Пахтакор» жамоаси фахрийлар жамғармалари ташаббуси билан ташкил қилинган мазкур халқаро турнирда ЦСКА (Москва), Украина фахрийлар термина жамоаси, «Кайрат» (Қозоғистон)

ҳамда «Пахтакор» жамоаларининг ўз вақтида футболда юлдуз бўлиб улгурган фахрийлари голиблик учун беллашмоқдалар. Шу кунгача «Пахтакор»-«Кайрат», ЦСКА-Украина фахрийлари, «Кайрат» — ЦСКА, «Пахтакор» — Украина фахрийлари жамоалари майдонга тушдилар. Бугун эса Украина фахрийлари — «Кайрат» учрашуви бўлади.

Шунингдек, «Пахтакор-79» хотира турнири финалида «Пахтакор» — «Нефтчи» футболчилари майдонга тушадилар. Табиийки, ушбу ўтказилаётган ўртоқлик учрашувларида мақсад голибни айниклаш эмас, балки марҳум «Пахтакор»чиларнинг хотирасини халқаро миқёсда тиклашдир.

Дарҳақиқат, шундай. Пахтакорчиларнинг хотираси қалбимизда, юрагимизда абадий ўшайди.

Ўз мухбиримиз.

СПОРТ



ASIAN TECHNICAL COMPANY "T...ON"

Манзил: Тошкент ш., Ҳ. Олимжон майдони, 1Б
Тел/факс (998-71) 137-47-00

- KONICA нусха кўчириш техникаси
- RISO кичик босмаҳоналар
- AO UTAX ҳажмидаги нусха кўчириш техникаси
- REXEL ламинаторлари
- REXEL муқовалаш ускуналари
- RC Systems қоғоз қиркиш жиҳозлари
- INTIMUS қоғозни йўқ қилувчи жиҳозлар
- DUPLO қоғоз кўтариб олувчи ускуналар
- DUPLO брошюралаш ускуналари
- NOVUS, RAPID степлерлари

БИЗ КўПЛАБ-ЙУЛЛАРНИ БОСИБ ЎТСАК-ДА, СИЗ УЧУН ЭНГ МАЪҚУЛИНИ ТОПАМИЗ!

Бу йил кўрик-танлов Сирдарё вилоятида ўтказилди. Бу бежиз эмас, албатта. Мана бир неча йилдики, сирдарёлик давлат автомобил нazorати ходимлари фаолиятида кўплаб ижобий силжишлар кўзга ташланаёпти. Улар Фаргона вилоятида бўлиб ўтган мусобақаларда учинчи ва Навоий вилоятида бўлиб ўтган беллашувларда эса фахрли иккинчи ўринни кўлга киритишди.

Кўрик-танлов қатнашчилари малакали ходимлар эканлигини «тест» ва «шаблон» синовларида тўлиқ намоиш этдилар. Ўз вилоятларининг саралаш беллашувларида голиб чиққанлар икки кун давомида кўл жанги, ўқ отиш, турникка осилиш, автомобил бошқариш каби мусобақаларда фаол иштирок этдилар. Ҳар бир беллашув орасидаги вақт қисқа бўлишига қарамай қатнашчилар сабр-тоқат ҳамда матонат билан юқори бал тўлаш ва ўз жамоалари ҳузурига очик юз билан боришга астойдил ҳаракат қилдилар.

Мусобақада кимдир голиб, кимдир эса мағлуб бўлади. Чунончи, бухоролик алоҳида рота йўл нazorати хизмати назир, катта сержант Ахтам Болтаев юз метр ва уч чақиримга югуриш мусобақаларида барчани ортда қолдириб кетди. Шунингдек, у кўл жан-

БЕЛЛАШУВЛАР ИҚТИДОРНИ ЧАРХЛАЙДИ

Маълумки, ички ишлар идораларининг ҳар бир ходими жисмонан бақувват, ўз касбининг барча сир-асрорларидан яхши хабардор бўлмоғи шарт. Уларнинг ўз касб маҳоратларини тўхтовсиз ошириб боришлари юрт осойишталиги ва эл тинчлигини сақлашда муҳим аҳамият касб этади.

Ана шу мақсадга тўлиқ эришиш учун Ўзбекистон Республикаси Ички ишлар вазирилик республика давлат автомобил нazorати ходимлари ўртасида ҳар йили кўрик-танлов ўтказиб келмоқда. Бу танловлар ҳар бир ходимнинг сиёсий, жисмоний тайёргарлигини ошириш, касб маҳоратини янада пухта ўзлаштириб олишига замин яратмоқда.

Ҳар бир беллашув орасидаги вақт қисқа бўлишига қарамай қатнашчилар сабр-тоқат ҳамда матонат билан юқори бал тўлаш ва ўз жамоалари ҳузурига очик юз билан боришга астойдил ҳаракат қилдилар.

Икки кун давом этган беллашувлар ниҳоят поёнига етди. Республика давлат автомобил нazorати бош бошқармаси бошлигининг ва турникка осилишда ҳам ўз ҳамкасбларига намуна бўлди. Сирдарёлик Абдуқодир Алимов эса беллашувларнинг барчасида бирдай маҳорат кўрсатди.

Икки кун давом этган беллашувлар ниҳоят поёнига етди. Республика давлат автомобил нazorати бош бошқармаси бошлигининг ва турникка осилишда ҳам ўз ҳамкасбларига намуна бўлди. Сирдарёлик Абдуқодир Алимов эса беллашувларнинг барчасида бирдай маҳорат кўрсатди.

Икки кун давом этган беллашувлар ниҳоят поёнига етди. Республика давлат автомобил нazorати бош бошқармаси бошлигининг ва турникка осилишда ҳам ўз ҳамкасбларига намуна бўлди. Сирдарёлик Абдуқодир Алимов эса беллашувларнинг барчасида бирдай маҳорат кўрсатди.

Икки кун давом этган беллашувлар ниҳоят поёнига етди. Республика давлат автомобил нazorати бош бошқармаси бошлигининг ва турникка осилишда ҳам ўз ҳамкасбларига намуна бўлди. Сирдарёлик Абдуқодир Алимов эса беллашувларнинг барчасида бирдай маҳорат кўрсатди.

«ХАЛҚ СЎЗИ» «НАРОДНОЕ СЛОВО»

МУАССИСЛАР:
Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Кенгаши ва Ўзбекистон Республикаси Вазиrлар Мақамаси

Бош муҳаррир:
Аббосхон УСМОНОВ

Тахрир хайъати:
Э. БОЛИЕВ (масъул котиб — «Халқ сўзи»),
М. ЕГОРОВ (масъул котиб — «Народное слово»),
Ш. ЖАББОРОВ (бош муҳаррир ўринбосари — «Халқ сўзи»),
С. ЗИНИН,
М. МИРАЛИМОВ,
Ш. РИЗАЕВ,
М. САФАРОВ,
Р. ФАРҲОДИЙ,
И. ХУДОЁЕВ,
И. ШОҒЎЛОМОВ,
О. ҚАЙПБЕРГЕНОВ (бош муҳаррир ўринбосари — «Народное слово»),
Ў. ҲОШИМОВ.

БЎЛИМЛАР:

Ижтимоий-сиёсий ҳаёт — 133-57-34;
Ҳуқуқ — 136-07-94;
Иқтисодиёт — 136-36-65;
132-10-65;
Маънавият ва маърифат — 136-35-60;
Хатмлар — 136-29-89,
133-07-48;
Фан, соғлиқни сақлаш ва ижтимоий масалалар — 132-12-08;
Ахборот, спорт ва ҳарбий-ватанпарварлик — 133-78-92;
Халқаро ҳаёт — 132-11-15;
Котибият — 133-10-28;
Эълонлар — 136-09-25.

Рўйхатдан ўтиш тартиби № 0001
Буюртма Г — 716,
18918 нусхада босилди,
ҳажми — 2 табақ,
Офсет усулида босилган.
Қоғоз бичими А—2

Газета PENTUM-II — компьютеризда терилди ҳамда операторлар С. ЛУКИН ва Ж. ТОҒАЕВ томонидан саҳифаланди.

Набатчи котиб — А. ОРИПОВ.
Набатчи муҳаррир — М. САФАРОВ.
Набатчи — Н. ТОШЕВ.
Мусаҳҳих — А. САТТОРОВ.

• МАНЗИЛИМИЗ:
700000, ГСП,
Тошкент шаҳри,
Матбуотчилар кўчаси, 32-уй.

Тахририятда ҳажми 5 қоғоздан зиёд материаллар қабул қилинмайди.

«Шарқ» нашриёт-матбаа концерни босмаҳонаси.
Корхона манзили: «Буюк Турон» кўчаси, 41.

Босишча топшириш вақти — 21.00
топирилади — 22.20

1	2	3	4	5	6
---	---	---	---	---	---